

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SAMARQAND VILOYATI  
ISHTIXON TUMANI  
HOKIMINING  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
ИШТЫХАНСКОГО РАЙОНА  
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил 26 ноябр

1346-Қ - sonli

Ishtixon sh.

**“COSCOM” МЧЖ “Ucell”га антенна мачта иншооти ва унга тегишли қурилмаларни ўрнатиш учун Иштихон туман ҳудудидан доимий фойдаланишга 360.0 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 20-23-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 22 майдаги ПФ-4329-сонли Фармонининг 9-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иктисодиёт ва ”Электрон ҳукумати” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 майдаги ПФ-4321-сонли Фармонининг 4-д бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги №63-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “COSCOM” МЧЖ “Ucell” бош директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари Н.М.Захидовнинг мурожаатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳалий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Иштихон туман ҳокимининг 2019 йил 20 майдаги 3345-Қ-сонли қарорига асосан тузилган туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиянинг далолатномаси тасдиқлансин.

2. “COSCOM” МЧЖ “Ucell”га антенна-мачта иншооти ва унга тегишли қурилмаларни ўрнатиш учун Иштихон тумани «Бешбола» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобида бўлган 71-рақамли контурдан 300.0 кв.м, «Баҳрин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобида бўлган 142-рақамли контурдан 30.0 кв.м ер майдони, «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобида бўлган 376-рақамли контурдан 30.0 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин ва тегишли қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берилсин.

3. “COSCOM” МЧЖ “Ucell”га Иштихон туман ҳудуди бўйича умумий ер майдонлари 360.0 кв.м. этиб белгилансин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов) ва туман бош архитектори (А.Муродов)ларга туман ҳокимлиги ҳамда “COSCOM” МЧЖ “Ucell” ўртасидаги ер ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

5. Туман Давлат солиқ инспекцияси (Б.Тошқулов)га “COSCOM” МЧЖ “Ucell”га ер майдони ажратилиши муносабати билан амалдаги қонунлар асосида солиқларни ундириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов